

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА XVI–XIX АСРЛАР ДАВРИ МАЪНАВИЯТИ

Ҳақлиев В.Б.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей
ўқитувчиси, т.ф.н., доцент

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон халқининг маънавий мероси тарихида XVI–XIX асрлар маданияти ва маърифатининг аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр, Шайбонийхон, олим ва адиблар, маданият, низолар, Бухоро хонлиги, Хива хонлиги, Самарқанд, Машраб, «Девони Машраб», «Девонаи Машраб», Мирзо Абдулқодир Бедил.

XVI аср бошларига келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда ички низоларнинг авж олиши бу ерларга ташқи ҳужумларнинг кучайишига имкон туғдирди. Айниқса шимолда Дашти Қипчоқ томондан Мовароуннаҳр шаҳарларини босиб олишга бўлган ҳаракат борган сари ортиб борди.

1500—1510 йиллар орасида Мовароуннаҳр ва Хуросон ерлари Шайбонийхон бошчилигидаги қўшинлар ҳужуми туфайли унинг тасарруфига ўтди. У ўзининг сўнгги юришида кескин қаршиликка дуч келди ва 1510 йил Марв учун бўлган урушда қурбон бўлди. У Мовароуннаҳр мадрасаларида таҳсил кўрган, темурийлар билан учрашган, олим ва адиблар билан мулоқатда бўлган, маданият тарихидан яхши хабардор, темурийларга ўхшаб ижод аҳлига раҳнамолик қилган, ўзи ҳам шеърлар ёзган давлат бошлиғидир.

Унинг ўлиmidан сўнг авлодлари 1601 йилга қадар ҳукмронлик қилдилар. Сўнгги йилларда унинг авлодлари ўртасидаги курашлар натижасида давлат парчаланиб, Хуросон Сафавийлар қўлига ўтди. Шайбонийлар эса фақат Мовароуннаҳрга ҳумрон бўлиб қолдилар. Ҳокимият аста-секин унинг авлодлари ўртасидаги низолар туфайли парчаланиб кетди, Бухоро хонлиги, сўнг ғарбда Хива хонлиги вужудга келди. Ҳукмронлик учун олиб борилган узоқ курашлардан сўнг Абдуллахон II (1557—1598) даврида Бухоро хонлигининг мавқеи анча-мунча ортди.

Абдуллахон II даврида Бухоро хонлигида иқтисодий-маданий ҳаёт бир мунча жонланди. Хусусан, даҳқончилик тез ривожланди, қатор сув иншоотлари, каналлар барпо этилди, йирик шаҳарларда ҳунармандчилик равнақ топди. Самарқанд қозикалонининг XVI асрдаги

ҳужжатларидан маълум бўлишича, ҳунарнинг 61 тури мавжуд бўлган, турли-туман темир буюмлар, ип ва ипак матолар, юқори навли қозғалар ишлаб чиқарилган. Бухоро шаҳри кенгайтирилиб, девор ва ҳарбий истеҳкомлари қайтадан қурилган, шаҳарда кўп мадрасалар, хонақоҳлар, карвонсарой ва бозорлар барпо этилган. Бу даврда ички ва ташқи савдо, хусусан, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Русия каби мамлакатлар билан алоқалар кенгайди.

Унинг вафотидан сўнг яна ўзаро низолар авж олди. 1601 йилдан бошлаб Бухоро хонлиги янги Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлигига ўтди.

Аштархонийлар сулоласи бир ярим аср (1601—1753) Бухоро тахтида ҳокимлик қилди, улар даврида хонликда ўзаро низолар ҳамда қорақалпоқлар, мустақил бўлган Хива хонлиги, Эрон қабилар билан узлуксиз урушлар давом этди, мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётида парокандалик авж олди, хонлик тахти учун талашувда ака-ука, ота-ўғил, қариндошлар ўртасида курашлар кучайди. Хонликдаги зулмнинг ортиши, солиқларнинг ошиб бориши натижасида тез-тез халқ қўзғолонлари рўй бериб турарди. Бухоро тахтида узоқ хонлик қилган Имомқулихон (1611—1642) даврида ҳокимиятнинг нисбатан мустаҳкамланганлигини назарга олмаганда, бошқа Аштархонийлар даврида хонликка ҳар томондан ҳужумлар, турли шаҳарлар, ўлкаларнинг хонликдан ажраб кетишга интилиши кучайди. Бу интилиш айниқса Убайдуллахон даврида авжига чиқди. Бундан фойдаланган Нодиршоҳ Бухоро хонлигига қарашли кўп ерларни Эронга қўшиб олди. Сўнгги йилларда Аштархонийлар сулоласининг нуфузи сусайиб, манғит қабиласидан бўлган Муҳаммад Ҳаким оталиқнинг таъсири кучая борди ва у 1753 йили ўзини амир деб эълон қилди. Бу даврда Туркистонда Бухоро хонлигидан ташқари Амударёнинг қуйи оқимида Хива хонлиги мустақил ривожланаётган эди. XVIII асрнинг охирига келиб Фарғона водийсида Қўқон хонлиги ҳам ўзини мустақил хонлик сифатида кўрсата бошлади.

Туркистондаги XVII—XVIII аср маданияти мавжуд иқтисодий-сиёсий, ижтимоий аҳвол таъсирида турли тебранишлар, йўқотишларни бошидан кечирди.³⁵

Турли қарама-қаршиликларга қарамай ўша даврларда ҳам маданият ва маънавият атоқли намоёндалари яшаб, ижод қилганлар.

³⁵ *Хайруллаев М. М.* Марказий Осиёда IX-XX аср бошида маданият ривож тарихидан // Ziyouz.uz

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида Марказий Осиёда маънавий-маърифий қараш ривожини Бобораҳим Машраб номи билан чамбарчас боғлиқ.

Машраб (тахаллуси; асл исм-шарифи Бобораҳим Мулла Вали ўғли) 1640 йилда Наманганда туғилиб³⁶, 1711 йил Балхда вафот этган. Машраб номи 18—19-асрларда тузилган тазкира ва тасаввуфий йўналишдаги асарларда (масалан, Баде Самарқандийнинг «Музокир ул-асҳоб») ва бошқа) зикр этилади. Аммо уларда шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида келтирилган маълумотлар ниҳоятда кам. Машрабнинг қолдирган адабий мероси хусусида ҳам аниқ маълумот берувчи манба йўқ.

Унинг ўз асарларини тўплаб, девон ёки бирор мажмуа тузганлиги маълум эмас. Фақат «Девони Машраб», «Девонаи Машраб», «Эшони Машраб», «Ҳазрати шоҳ Машраб» номлари остида халқ орасида қўлёзма ва тошбосма шаклида тарқалган қиссалардагина (уларнинг ким томонидан ва қачон тузилганлиги номаълум) шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти маълум тартиб ва изчилликда баён этилади, шу жараёнда асарларидан намуналар ҳам келтирилади. Қиссалар кейинчалик ўзгартириш ва тuzатишларга дуч келган, турли тўқималар, янги-янги ривоят, нақллар, саргузашт ва латифасимон лавҳалар билан тўлдирила борилган. Натижада қиссаларда тарихий Машраб ва унинг ижтимоий ва ижодий фаолияти халқ тасаввуридаги тўқима Машраб ҳамда у ҳақидаги саргузашт — ривоятлар билан қоришиб кетган. Шундай бўлса-да, Машраб ҳақидаги қиссалар шоир ҳаёт йўлини нисбатан тўла ва босқичма-босқич баён этувчи, шунингдек, яратган асарларининг кўпгина қисмини ўзида жамловчи адабий-тарихий манба сифатида илмий аҳамият касб этади.

Машраб отадан ёш етим қолади, оиланинг моддий қийинчиликлари янада ортади. Онаси ип йигириб тирикчилик ўтказади. Машраб дин асослари ва фалсафадан яхши хабардор бўлган Сўфи Эшон Мулла Бозор Охунд (Хўжа Убайдулло) қўлида диний таълим олади, сўфий тариқатлар бўйича билимини оширади, форсий тилни ўрганади.

Тахминан 1665 йилларда Мулла Бозор Охунд тавсиясига кўра, ўша замонда катта обрўга эга бўлган йирик дин арбоби қашқарлик Ҳидоятullo Офоқ Хожа эшон ҳузурига боради. Шоир адабий меросидаги диний мазмун ва тасаввуфий йўналиш руҳидаги

³⁶ Бошқа манбаларда туғилган йили 1653 йил деб берилган.

шеърларнинг кўпчилиги қисми Офоқ Хожа даргоҳида ва унинг тарғибот-сабоқлари таъсирида яратилган. Офоқ Хожа шахсий хислат-фазилатларини мадҳ этувчи, уни «пиру раҳбар» деб тан олувчи байт-мисралар мужассам бўлган ғазал ва мухаммаслар ҳам («Кошки», «Ўзум» радифли ғазаллар, «Қолмади» радифли мухаммас) шу муридлик йиллари маҳсулидир.

Машраб тахминан 1672—73 йилларда Офоқ Хожа даргоҳини тарк этади. Қиссаларда қайд этилишича, бунга Машрабнинг пири даргоҳидаги канизакларнинг бирига кўнгил қўйгани, севиб-севилгани сабаб бўлган. Аммо Машрабнинг оғир жисмоний жазоланиб қувилиши заминида пир билан мурид ўртасида жиддий ғоявий зиддиятлар бўлган дейилса, ҳақиқатга мувофиқ бўлади.

Машраб пири даргоҳидан кетгач, деярли 40 йиллик умрини доимий сафарда, турли ўлкаларда дарбадарликда ўтказди. Қўнимсиз ҳаётга юзланган шоир, асосан, ижодий иш билан шуғулланади. Оддий халқнинг қашшоқ ҳаёти, зулму ситам остидаги оҳу нолаши шоир қалбини ларзага солади («Дили тиғи ситамдин пора бўлгон халқни кўрдум»...).

Машраб асарларининг аксарияти чуқур ижтимоий йўналишга эга бўлиб, ўша давр ҳаёти, жамиятдаги воқеа-ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, у баъзи руҳонийларнинг кирдикорлари ва ҳийлагарликларини фош этади, текинхўр мулкдорлар ва жоҳил амалдорларнинг зўравонлик фаолиятларини танқид қилади. Машрабнинг бу тур асарлари қўлдан қўлга, оғиздан оғизга ўтиб, тез тарқалган. Худди шунинг учун ҳам Машрабнинг бирор қишлоқ ёки шаҳарга келиши изсиз қолмаган, одил камбағал халқ уни қувонч-хурсандчилик ва қизиқиш билан қарши олган. Шоир қўнимсиз ҳаётининг сўнгги манзили Балхда ҳам ҳоким табақа ва мутаассиб шайх-мулалар Машрабни жисман йўқотиш пайига тушадилар. Шу тескаричи гуруҳларнинг расмий фатвоси ва Маҳмудбий Қатағоннинг ҳукми билан дорга осилади.

Машрабнинг моҳиятан инсон қадри-шарафи ва маънавий камолотини улуғлашга, эзгулик ва гўзалликни мадҳ этишга бағишланган шеърини меросида ғазал, мустазод, мурабба, мухаммас, мусаддас, мусабба, маснавий, рубоий, таърих каби жанр турларида битилган етук намуналарни учратамиз. Аммо Машраб аввало моҳир ғазалнавис ҳамда кўплаб шўх ва жарангдор мустазодлар, ўйноқи ва жозибадор мурабба ҳамда халқ ғаму ҳасратига ҳамдардлик ҳисси билан йўғрилган мухаммаслар ижодкори сифатида кенг доврўф чиқарган.

Машрабнинг жуда кўп ғазаллари халқ қўшиқларидек содда ва жарангдор, жўшқин ва таъсирчандир.

Машрабнинг романтик кўтаринкилик руҳи уфуриб турган асарларини адабиёт тарихида мурабба турида яратилган энг етук намуналар жумласига киритиш мумкин. Машрабнинг ғазал, мустазод ва мураббаларида ишқ-муҳаббат, вафо-садоқат мавзуи етакчи ўринда турса, мухаммас ва мусаддасларида чуқур ижтимоийлик устунлик қилади, тақдирнинг кемтиклиги ва ҳаётнинг носозликларидан, давр (чарх, фалак) ва адолатсиз муҳитнинг шахс бошига тинимсиз келтираётган жабру жафосидан шикоят, таъқиб-тазйиқидан норозилик дардли мисраларда, аммо қатъий ва кескин ифодаланadi. Машраб форс тилида ҳам бир неча шеърий турларда етук намуналарни яратган. Машраб ижоди кейинги асрлар адабиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Нодира, Ҳувайдо, Қорий, Фурқат, Ҳамза каби шоирлар унинг ғазалларига тахмис ва назиралар боғлашган.

Машраб қолдирган адабий мерос тўла аниқланиб, ўрганилган эмас. Баъзи тадқиқотчилар жуда кўп шеърий ҳикоят ва ғазалларни ўзида жамловчи «Мабдаи нур» номли йирик асарни шоирга нисбат берадилар.

Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида бир неча бадий асарлар (роман, қисса, дostonлар ва сахна асарлари) яратилган, шоирнинг асарларидан намуналар қатор хорижий тилларга таржима қилинган. Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва вилоятларида Машраб номида истироҳат боғлари ва кинотеатрлар, мактаб ва кутубхоналар, кўчалар ва жамоа хўжаликлари бор.³⁷

Машрабдан бой маънавий бадий мерос қолган. Машраб ўша вақтда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тарқалган тасаввуфнинг қаландарлик оқимига эътиқод қилиб, ўзининг исёнкорона ғазаллари билан жамиятдаги адолатсизликка қарши курашган. Ўз ғазалларида ахлоқий, маънавий покликка эришиш, ҳаётдаги иллатларга қарши курашни тарғиб қилган. У ўзи даври ҳокимларидан адолатни кутади. Ҳатто уларга мурожаат қилиб, халқ тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларнинг арз-додларига қулоқ солишни сўрайди. Машраб кишиларни бойликка ҳирс қўймасликка, ўзгаларга яхшилик қилишга, сахийликка, ҳалол бўлишга, ўз меҳнати эвазига яшаш, нафсни тийишга чақиради.

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида ижод қилган Марказий Осиё мутафаккирларидан бири Мирзо Абдулқодир Бедил

³⁷ Абдурашод Абдузафуров <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/mashrab/>

(1644–1721)дир. Ундан жуда бой адабий мерос қолган, у Шарқнинг юксак маънавият-маърифатга эга ижодкори бўлган. Бедил ўз асарларида аввало инсон, миришкор деҳқон ҳақида алоҳида меҳр, ҳурмат ва эҳтиром билан ёзган. У инсонни ирқи, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор олий зот деб билган. Бу ҳақда шундай дейди: «Ҳар кимки, ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса, у малъундир». Ушбу фикр ҳар қандай давр учун ҳам олижаноб, ибратлидир. «Одам абадий яшаши мумкинми», деган саволга мутафаккир ижобий жавоб беради. У инсонга икки хил абадийлик хослигини айтади. Биринчиси умумий абадийлик бўлиб, у ҳамма нарсага, шу жумладан одам танасига ҳам хос моддий абадийликдир. Иккинчиси хусусий абадийлик бўлиб, у ўз фаолияти, меҳнати, яхши иши билан инсонларга манфаат етказган кишиларга хос. Бедил тирикликнинг маъносини дарахт ўтқазиш, экин экиш, уларни парвариш этиш, бечораларга хайр-саховат, ожизларга йўл кўрсатиш, беморларни бориб кўриш кабиларда деб уқтиради.

XVIII–XIX асрлар маънавияти ва маърифати ривожига Турди, Ҳувайдо, Гулханий, Махмур, Нодирабегим, Увайсий, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Феруз ва бошқаларнинг ўрни ва роли ҳам беқиёсдир.

XIX асрда Марказий Осиёда маънавият ва маърифат ривожига Аҳмад Дониш (1827–1897) ижоди ва маърифатпарварлик фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетган. Унинг фикрича, инсон турли фанларни эгаллаб, дунё сирларидан воқиф бўла олади. «Биз, – деган эди Аҳмад Дониш, – дунёни гуллаиб-яшнатиш, ер ости бойликларини топиш, дунёнинг ажойиб сирли томонларини тадқиқ этиш, унинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз». Аҳмад Дониш илми, маърифатни ривожлантириш, халқни саводхон қилиш орқали қолоқликдан қутулиш мумкин, деб маърифатпарварлик ғояларини илгари суради.

Ўзбек маърифатчилиги Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Завқий ва бошқалар ижодида ҳам алоҳида ўрин тутди.

Хуллас юқорида зикр этилган буюк мутафаккурларимизнинг илмий-маънавий, маърифий мероси ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.